

Әдебиетлар

1. Мусурмонов Р. Педагогик тажриба-синов ишларини жорий этиш механизмлари. –Тошкент: 2013, 23-81-б.
2. Ахмедова Ш. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодкорлиги. Сборник научных трудов: формирование гармонично развитого поколения в современных условиях. –Тошкент: 2012, 53-81-б.

РЕЗЮМЕ

Маколада биринчи синф ўқувчиларини меҳнат қилишга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари ва самарали усуллари ҳақида сўз этилади. Бошланғич синф ўқувчиларига уларнинг тенгдошлари олдида шахсий ёндашиш ҳар бирида ўзини англаш ва фуқаролик туйғуларини тарбиялайди.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о свойственных особенностях и о выгодных методах при подготовке учащихся первого класса трудовому воспитанию. Личный подход к младшеклассникам при их сверстниках воспитывает каждого в духе самосознания и проявление чувства гражданственности.

SUMMARY

The article deals with peculiar features and beneficial methods in the preparation of the first-year students to labour education. Particularly the individual approach to every child among his/her classmates makes it possible to feel a sense of citizenship and self-becoming and leads him/her to a great progress.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА БЎЛАЖАК МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИНДИВИДУАЛ ИШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ

З.У.Джумагулов – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: таълим, ўқитувчи, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари, билим, метод, ўқитишни индивидуallashtiriш, режallashtiriш, касбий маҳорат, касбий қизиқиш, амалиёт.

Ключевые слова: образование, преподаватель, будущие учителя трудового образования, знание, метод, индивидуализация обучения, профессиональное мастерство, профессиональный интерес, практика.

Key words: education, teacher, future teachers of labor education, knowledge, method, individualization of training, professional skills, professional interest, practice.

Мамлакатимиз таълим тизимини халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштириб, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш, жаҳон амалиётига асосланган олий таълим тизимининг сифат даражасини ошириш, узлуксиз таълим тизимига педагогик лойиҳалаштириш жараёнини кенг татбиқ этиш орқали илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали методларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлар сифатида эътироф этилмоқда. “Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да таълим муассасаларини куриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чоратадбирларни кўриш устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган [1].

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларига ўқув материални билдириш профессор-ўқитувчи фаолиятининг асосий элементларидан биридир. Ўқув жараёнининг бу звеносига бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари фаолиятининг қуйидаги элементлари: билимларни идрок этиш, тушуниб олиш ва умумлаштириш тўғри келади. Аммо бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларига ўқув материални билдиришни, уни тушуниб олиш ва умумлаштириш билан боғлаш профессор-ўқитувчининг ўзига тўғри йўл танлаши учун зарурдир.

Агар профессор-ўқитувчи ўқув материални билдиришда асосий вазифа баён этилган маълумотларни бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг идрок этишдан иборат деб билса, бу ҳол бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг фикрлаш қобилиятини фаоллаштиришга ёрдам берувчи шакл, метод ва воситаларни татбиқ этишга рағбатлантирмайди, аксинча, мақсадли билимларни тушуниб олиш ва умумлаштиришга қаратиш профессор-ўқитувчининг ўқув материални баён этишнинг энг самарали методларини, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг билимларини, ўзлаштириш даражасини текширишнинг тегишли мезонларини излаш ва татбиқ этишга ундайди.

И.Я.Лернернинг таъкидлашича, ҳар қандай ёндашувни амалга оширишда икки муҳим жиҳатни ҳисобга олиш лозим, яъни ҳар қандай метод таълим олувчининг ўқув фаолиятига нисбатан ўзига хос муносабатни ифодалайди. Демак бир эмас, бир неча таълим методлари мажмуйини қўллаш лозим. “Агар фаннинг мазмуни, фаолияти, шакллари ўқувчиларнинг қобилияти, мотиви, қизиқишларига жавоб бера олса ва бу метод таълим шартларини ҳисобга олсагина, метод самара бериши мумкин” [4].

Профессор-ўқитувчи ўқув материални баён этганда, лаборатория ва амалий ишларни бажариш вақтида, машқлар жараёнида, мустақил кузатишлар вақтида, ижодий характердаги ишларни бажариш натижасида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилар янги билимларни оладилар.

Профессор-ўқитувчининг вазифаси бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилар фаолиятининг ҳамма турларини билимлар олиш ва уларни кенгайтириш манбаига айлантиришдан иборат.

Ўқув материални билдириш методини танлаш, ўрганилаётган материалнинг мазмуни, характери ва мураккаблигига, машғулотларнинг дидактик мақсадига, ўқитиш воситалари бор-йўқлигига, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг дастлабки билимлари ва шу қабиларга боғлиқ. Агар мураккаблик даражасига амал қилинмаса, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси профессор-ўқитувчи томонидан бериладиган материалга тушунмайди ва механик тарзда эслаб қолиш йўлини тутати. Бу ҳолатда мураккабликнинг юқори даражасидаги ижобийлик омили салбийга айланади. В.Занковнинг ёзишича, ўқувчиларга баҳо ёрдамида босим ўтказмайдиган дидактик система ўқишга нисбатан ички кўзғалиш пайдо бўлиши, ўсиши ва чуқурлашишига олиб келади [3:35]. Бу ҳол профессор-ўқитувчидан бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларига ўқув материални амалий режада билдиришни талаб қилади, бу эса бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг материални идрок этишига таъсир кўрсатади. А.В.Брушлинскийнинг таъкидлашича, топшириқнинг мураккаблиги ўқувчи имкониятига мувофиқ қилишини ҳисобга олиш керак, агар топшириқ таълим олувчида муаммони акс эттирмаса, билиш мотивацияси шаклланмайди [2:24].

Шунинг учун ўқув материални билдириш методларини танлашда профессор-ўқитувчи бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг ишлаб чиқариш тажрибаларини, уларнинг ўқитилиш даврини, ўрганилаётган материалларнинг амалиёт билан боғлиқлигини ҳам эътиборга олиш зарур.

Ўқув материални билдириш методларини танлаш бир қатор субъектив факторларга, жумладан, бутун ўқув гуруҳининг хусусиятларига, айрим бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Ниҳоят ўқув материални билдириш методларини ва методик усулларини танлашга профессор-ўқитувчининг педагогик тажрибаси, индивидуал сифатлари, иш услуби, яъни профессор-ўқитувчининг педагогик маҳорати анча таъсир этади.

Бу талаб ўқитишни индивидуаллаштириш даражасини ошириш зарурлигини такозо қилади. Профессор-ўқитувчи бутун гуруҳга ўқув материални маълум қилар экан, одатда, ўртача талабани назарда тутди. Аммо, аслида талабалар ана шу ўртача талабадан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Шунинг учун профессор-ўқитувчи бутун гуруҳ билан фронтал иш олиб бориши билан бирга, дарсда индивидуал топшириқлар бўйича мустақил ишлашни ҳам кенг жорий қилиши, индивидуал назорат ўтказиши, уй топшириқларини индивидуал бериши ва уларнинг баҳарлигини индивидуал текшириши лозим ва ҳоказо.

Индивидуал ўрганишга ундаш орқали таълим беришнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- профессор-ўқитувчи таълим жараёнида назоратчи ва маслаҳатчи сифатида қатнашади;
- бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилар учун мукамал ишлаб чиқилган топшириқлар (муаммоли вазиятлар, масалалар) ўқитиш-ўргатиш жараёнининг диққат марказида бўлади;
- профессор-ўқитувчи бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг ўз ёндашувларини ишлаб чиқишлари, ўзларига савол беришлари, мониторинг қилишлари ва ўзаро баҳарланган ишни ўзлари баҳолашларини қўллаб-қувватлайдилар;
- профессор-ўқитувчилар бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилар орасида гуруҳ бўлиб ишлашни кенг тарғиб этадилар.

Меҳнат таълими йўналишида ўқитиладиган ихтисослик фанлари образ, белги тушунчаларни яратиш билан боғлиқ амалий вазифаларни ҳам ўз ичига олади. Улар

креативлиқни ривожлантириш, мантиқ билан сезги, тасаввурлар билан ҳайоллар бирлиги кабилардир. Бу машқлар интеллектуаллиқни чархлаш мақсадида амалга оширилади. Таълим жараёнида фақат тасаввурларни фаоллаштириш масаласи мақсад қилиб қўйилмайди, балки ижодий муҳитни яратиш ҳам қўзланади. Бу шароитда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари билан профессор-ўқитувчиларнинг ҳамкорлигидаги ишлари юзага чиқади. Биргаликдаги ижодий ҳаракатлар, албатта, ўрганилаётган масалага нисбатан ижодий ёндашувга туртки бўлади. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларига тасодифий воситалар ёрдамида образ яратиш топшириғи берилиб, улар кичик тўқима ҳикоя ва графикдан иборат бўлиши мумкин. Мабодо, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида график воситалар билан мукамаллаштириш маҳорати етишмаса, вазифани бажара олмаслиги мумкин. ижодий қобилият қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, умумий асосга эга бўлади. Маълум бир материалда ишланган нарсга бошқасига ҳам кўчирила олади. Энг асосий йўл тасаввурлар ва фикрларни узвўйлаштирувчи восита саволлардан иборат қилиб белгиланганлигидир [5:24].

Агар билим индивидуал анланган, ҳис этилган, қийинчиликларга дуч келиб ўрганилган бўлса, унда бу билим тўла ва чуқур ўзлаштирилган бўлади. Буларнинг бари ўрганилаётган фанга маъсулиятли, ўқув фаолиятига кўникма, иш фаолиятини режалаштиришда вақтдан унумли фойдаланишга ўз-ўзини назорат қилишга, хатоларни тузатишга ва ҳоказоларга ҳам боғлиқ бўлади. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари томонидан доимий ақлий фаолият билан шуғулланишнинг ривожлантиради ва уларни вақтни тежаб-саралаб ишлатишга ўргатади. Бу билан бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг мустақил ўқув фаолиятларини ривожлантириш, ўқув ва илмий ишларнинг муштараклигини таъминлаш, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, шулар асосида етук мутахассис тайёрлаш сифатини оширишга эришиш мумкин бўлади.

Ушбу услубда амалий машғулотлар ташкил этилганда талабаларнинг индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш қобилиятлари ошади. Ҳар бир талаба иш натижаси учун маъсулиятни ҳис этганлигидан машғулотга мустақил тайёргарлик билан келади. Мавзу талабаларнинг асосий қисми томонидан тўла ўзлаштирилишига эришилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда. <http://www.lex.uz>.
2. Брушлинский А.В. Проблемы психологии субъекта. -Москва: МГУ, 1982. -С. 24.
3. Занков Л.В. Система общего развития и обучения. -Москва: «Просвещение», 1975. -С. 35.
4. Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. - Москва: Педагогика, 1981. -С. 188.
5. Муслимов Н.А., Каримова Н. Касб таълими ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Тошкент: «Иқтисодиёт», 2012. 24-б.

Ушбу мақолада ўқув фаолиятида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг индивидуал ишини тўғри ташкил этиш, билимларни идрок этиш, тушуниб олиш ва умумлаштириш ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ўрганилаётган материалнинг мазмуни, характери ва мураккаблиги, машғулотларнинг дидактик мақсади, ўқитиш воситалари, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг дастлабки билимларини аниқлаш ҳақида мулоҳазалар юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются факторы правильной организации индивидуальной работы у будущих учителей трудового образования, восприятие знаний, понимание и обобщение этих знаний. В статье также рассматриваются вопросы о содержании, характере и сложности материала, дидактических целей урока, средств обучения и определения начальных знаний будущих учителей трудового образования.

SUMMARY

The article reveals the factors of the correct organization of individual work of future teachers of labor education, the perception of knowledge, the understanding and generalization of this knowledge. The author of the article also studies the issues of content nature and complexity of the material, , didactic goals of the lesson, the means of training, the definition of the initial knowledge of future teachers of labor education.